



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Тошқулов

2017 йил

“Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

1. Хизмат тарифи

1.1. Хизмат номланиши

Қиска номи: Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш
Кенгайтирилган номи: Термиз давлат университети (terdu.uz) расмий сайти орқали
“Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш”

1.2. Хизмат натижаси

1-4 босқич талабаларидан академик таътилга чиқиш бўйича Термиз давлат университети ректори номига электрон тарзда ариза қабул қилиш

1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади

1.4. Хуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқнисаклаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди. рўйхат рақами 2138

1.5. Талабалардан қуйидаги ҳолатлар учун аризалар қабул қилинади:

- ҳарбий хизматни ўташ учун;
- саломатлигини тиклаш учун;
- ҳомиладорлик ва туғиш учун;
- болаларни парвариш қилиш учун.

1.6 Ариза бериш муддатлари

Талабалар ўқув йилининг ҳар қандай қисмида Термиз давлат университети ректори номига академик таътилга чиқиш учун электрон ариза орқали мурожаат қилиши мумкин. Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади: ҳарбий хизматни ўташ учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;

саломатлигини тиклаш учун — 12 ой муддатгача;

ҳомиладорлик ва туғиш шунингдек болаларни парвариш қилиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

1.7 Бажарилиш муддати

Жавоб бериш: 7 кун

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризачига қуйидаги маълумотлар берилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизмат кўрсатиш низоми ҳақидаги маълумот;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш

"Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш" хизмати тўғрисида батафсил маълумотни Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали олиш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз шаҳар Баркамол авлод 43 уй.

3. Иш вақтлари ва Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба-шанба, соат 09:00 дан 18:00 гача.

3.2 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

6 кун

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар.

- саломатлигини тиклаш ҳомиладорлик ва туғиш шунингдек болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олишни сўраб, мурожаат қилган талабанинг аризасига талаба доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси, ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига тегишли туман (шаҳар) мудофа ишлари органларининг талабани ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги чақирув қоғози илова қилиниши лозим:

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

4.2. Хизмат тўлови:

Бепул

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

-“Интерактив хизматлар” бўлиmidан "Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш" хизмати танланади;

- факультет йўналиш (мутахассислик) босқич (1-4) ва талаба таълим олаётган гуруҳ танланади (киритилади);

-талабанинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;

- керакли ҳужжатларнинг электрон нусхалари илова қилинади;

- оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб. "Электрон рақамли имзо билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади.


4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни

- Масъул ходим мурожаатқилувчининг электрон почта манзилига ариза қабулқилинганлиги тўғрисидаги хабарни юборади.
- Масъул ходим Термиз давлат университетининг "Академик таътилга чиққанталабалар" маълумотлар базасига мурожаат этган талаба ҳақидаги маълумотларни киритади.
- Академик таътидан қайтиш санаси, қайтгандан сўнг ўқийдиган курси кўрсатилади.
- Аризага рад жавоби берилса рад этиш учун асослар мурожаатқилувчига юборилади.
- Талаба академик таътилга чиқиш бўйича электрон ариза қабулқилинганлиги ҳақидаги хабарни олгандан кейин илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусҳасини 3 (уч) кун ичида ОТМга тақдимқилиши шарт.

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ходимлар бўлими бошлиғи

 Ю.Хаккулов


“ ” _____ 2017 й,

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ахборот технологиялари

маркази бўлиғи

 Х.А.Чориев

“ 10 ” _____ 2017 й,